



МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШНИНГ МУАММОЛАРИ

и.ф.д., проф. **Курбанов Зият**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0009-2147-0654

ziyatqurbanov@mail.ru

Аннотация. Мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқлаштиришнинг назарий масалалари ёритилган. Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар моҳияти ва улар тоифасига киритиш мезонлари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, МҲҲС, жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар.

ПРОБЛЕМЫ ПЕРЕХОДА К МЕЖДУНАРОДНЫМ СТАНДАРТАМ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ

д.э.н., проф. **Курбанов Зият**

Ташкентский государственный
экономический университет

Аннотация. В статье рассматриваются теоретические вопросы гармонизации системы финансового учета с международными требованиями и стандартами в условиях цифровой экономики. Указана сущность общественных организаций и критерии их включения в данную категорию.

Ключевые слова: цифровая экономика, бухгалтерский учет, МСФО, общественные организации.

PROBLEMS OF TRANSITION TO INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS

DSc, prof. **Kurbanov Ziyat**

Tashkent State University of Economics

Abstract. The article discusses the theoretical issues of harmonizing the financial accounting system with international requirements and standards in the conditions of the digital economy. The essence of public organizations and the criteria for their inclusion in the category are indicated.

Keywords: digital economy, accounting, IFRS, public organizations.

Кириш.

Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва амалиётда халқаро стандартларни қўллаш бухгалтерия ҳисоби методологиясини такомиллаштиришни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 сентябрдаги “Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 282-сон-қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 апрелдаги 171-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро илмий асосланган стандартларга мослаштириш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш заруриятини туғдирмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича иқтисодчилар томонидан турлича фикрлар билдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг (2025) 2025 йил 15 сентябрдаги “Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 282-сон-қарори Молиявий ҳисоботларни тузишда аниқлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича кўрилган чоралар натижасида йирик корхоналарнинг молиявий ҳисоботлари Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (International Financial Reporting Standards (IFRS) асосида тузишга ўтилгани, молиявий ҳисобнинг миллий тизимини халқаро талабларга уйғунлаштиришга эришилгани, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича тизимли чоралар кўрилатганлиги кўрсатиб ўтилган.

Исманов (2017) молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг моҳиятини қуйидагича ифодалаган: “МХХС корхона фаолияти тўғрисида молиявий ахборотларнинг манбаи бўлган ва фойдаланувчилар учун хизмат қиладиган молиявий ҳисобот тайёрлашга йўналтирилган. Ушбу стандартлар алоҳида олинган мамлакатнинг қонунчилигига боғланмаган ва фаолият тури, ўлчами, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан катъий назар барча корхона ҳисоботини шакллантириш учун йўналтирилган”.

Хажимуратов (2020) МХХС асосида тузилган ҳисоботларнинг аҳамиятини қуйидагича изоҳлайди: “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларининг халқаро стандартлар асосида тақдим этилиши инвесторлар учун муҳим ахборот манбаи ҳисобланади. Зеро халқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботлар ишончли ва ҳаққоний ҳисобланади”.

Ризаевнинг (2022) қарашчи, «Ўзбекистонда айтилиб кетган вақтда МХХС жорий этиб борилиши билан МХХС бўйича ҳисобот ва солиқ тизими ўртасида низолар бўлиши аниқ. Шу сабабли МХХС бўйича ҳисоб юритишга ўтишда, молиявий ҳисобни юритиш учун МХХС нормаларидан фойдаланиш қоидаларини ва кўпгина йўриқномаларни чиқариш керак бўлади».

МХХСга ўтишнинг аҳамиятини Ташназаров (2021) қуйидагича изоҳлаган, «мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқа корхоналарнинг ихтиёрийлик асосида ўз ташаббуслари билан МХХСлари асосида молиявий ҳисоботга ўтишларига эришишимиз лозим. Корхона ва ташкилотлар ўзлари МХХСларига ўтишда наф олишлари, унинг афзалликларини ҳис қилишлари лозим. МХХСлар орқали инвестициявий жозибадорлигига эришиш йўли билан корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегик аҳамиятга эга бўлган вазифа сифатида қаралиши лозим».

Нестеренкони ёзишича (2025) “2023 йил июн ойида IFRS Кенгаши биринчи марта барқарорлик билан боғлиқ иккита янги стандартни чиқарди: IFRS S1 “Барқарорлик

билан боғлиқ молиявий маълумотларни ошкор қилиш учун умумий талаблар” ва IFRS S2 “Иқлим билан боғлиқ маълумотларни очиб бериш”. Улар барқарорлик ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ бўлган хавф ва имкониятлар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш талабларини белгилайди, улар корхонанинг пул оқимиға, молиялаштиришга киришиға ёки капитал қийматига таъсир қилади”.

Зибареванинг (2025) фикрича, “IFRS S1 барқарорлик рисклари ва имкониятларини ва ошкор этилиши керак бўлган тегишли маълумотларни аниқлаш бўйича кўрсатмалар беради. Ушбу мақсадга эришиш учун IFRS S1 корхоналардан корхонага таъсир қилувчи барча муҳим барқарорлик рисклари ва имкониятларини аниқлаш ва ошкор қилиш учун икки босқичли жараёни бажаришни талаб қилади:

- биринчи қадам барқарорлик билан боғлиқ рискларни ва бизнесга қисқа, ўрта ва узоқ муддатда таъсир кўрсатиши мумкин бўлган имкониятларни аниқлашга ёрдам беради. - иккинчи қадам 1-қадамда белгиланган барқарорлик билан боғлиқ рисклар ва имкониятлар ҳақида қандай маълумотларни ошкор қилиш кераклигини аниқлашга ёрдам беради”.

Курбановнинг (2025) фикрича, “Жаҳонда рўй бераётган жадал глобаллашув жараёнига мамлакатимиз иқтисодиётини мослашувини талаб қилади. Глобал инвестиция портфелига эга халқаро инвесторлар компаниялар томонидан иқлим ва бошқа экологик, ижтимоий ва бошқарув масалалари бўйича юқори сифатли, шаффоф, ишончли ва қиёсланувчан ҳисоботларни талаб қилмоқдалар. Молиявий ҳисоб тизимини замонавий талаблар ва халқаро стандартларга мувофиқлаштириш йўналишларидан бири бўлиб, молиявий ҳисоботнинг барқарорлик стандартлари (IFRS Sustainability Standards)ни ўрганиб, мамлакатимиз амалиётига жорий этишдир”.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотимиз молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил этиш мақсадида олиб борилган бўлиб, унинг назарий масалалари ўрганилиб, умумлаштирилган ҳолда тегишли таклифлар ишлаб чиқилди ва такомиллаштириш бўйича вазифалар белгилаб олинди. Тадқиқот жараёнида назарий қарашлар таққосланиб ва ҳар хил усуллардан фойдаланилиб хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби тизимини молиявий ҳисоботнинг халқаро талаб ва стандартларни жорий этиш зарурияти юқорида келтирилган иқтисодчиларнинг илмий ишларида асослаб берилган. Шунингдек, мамлакатимизда кейинги йилларда хорижий капитал иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони ўсиб бораётганлиги ҳам МХХСларини амалиётда қўллашни зарурият қилиб қўймоқда.

Мамлакатимизда йилдан йилга хорижий капитал иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони ошиб бормоқда (1-жадвал).

2022 йил 1 январь ҳолатига бу корхоналар сони 13 289 бўлган бўлса, 2026 йил 1-январь ҳолатига 18513 та бўлиб, уларнинг 4 282 таси қўшма корхона бўлса, 14 231 таси хорижий корхоналарни ташкил қилган. Ҳозирги вақтда 4 282 таси қўшма корхона фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг кўпи “Ўзбекнефтгаз” АЖ тизимида шакллантирилган. Маълумотларга кўра, ҳозирда мамлакатда 295 та нефт-газ кони бор. Шундан 118 таси – 40 фоизига “Ўзбекнефтгаз” (давлат) эгалик қилади. Қолган 176 таси қўшма корхоналар ва хорижий компанияларга тегишли.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, юқорида келтирилган хорижий капитал иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар бухгалтерия ҳисоби тизими амалиётига молиявий ҳисоботнинг халқаро талаб ва стандартлари жорий этилган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2022-2026 йилларда хорижий капитал иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар	2022 йил 1 январь ҳолатига	2023 йил 1 январь ҳолатига	2024 йил 1 январь ҳолатига	2025 йил 1 январь ҳолатига	2026 йил 1 январь ҳолатига
Қўшма корхоналар	5 988	6 419	4 657	4 247	4 282
Хорижий корхоналар	7 301	9 382	9 396	13 917	14 231
Жами:	13 289	15 801	14 053	18 164	18 513

Манба: муаллиф томонидан тайёрланган.

Мисол тариқасида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга ўтган "UZBAT АО" акциядорлик жамиятининг умумлашган даромадлар тўғрисидаги маълумот келтирилди (2-жадвал).

2-жадвал

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга ўтган "UZBAT АО" акциядорлик жамиятининг 2023-2024 йилларда тақдим этиладиган алоҳида умумлашган даромадлар тўғрисидаги МАЪЛУМОТ (минг сўм)

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	2023 йил	2024 йил
Соф тушум, (сатр.020+030+040+050)	010	2 753 975 643	2 928 934 297
маҳсулот сотишдан	020	2 562 708 403	2 665 466 243
хизматлар кўрсатишдан	030	583 736	276 372
қурилиш шартномалари бўйича	040		
Бошқалар	050	190 683 504	263 191 682
Сотилган маҳсулот (товар, хизмат)ларнинг таннари	060	1 040 230 588	1 094 891 885
Ялпи даромад, (сатр.010-060)	070	1 713 745 055	1 834 042 412
Бошқа операцион даромадлар	080	20 042 564	18 159 808
Сотиш харажатлари	090	379 452 586	412 952 722
Маъмурий харажатлар	100	90 555 823	110 327 309
Бошқа харажатлар	110	120 614 721	124 701 877
Операцион даромад, (сатр.070+080-090-100-110)	120	1 143 164 489	1 204 220 312
Қадрсизланиш бўйича зарарлар/тикланиш (сатр. 140+150+160)	130	-10 654 215	-41 290 825
Молиявий активлар бўйича	140	-1 680 008	33 434 155
Товар моддий захиралар бўйича	150	-8 974 207	-74 724 980
Бошқа активлар бўйича	160		
Дивидендлар тарзидаги даромадлар	170		
Валюта курси фарқидан фойда ва зарарлар	180	-2 034 774	2 784 708
Фоиз тарзидаги даромадлар	190	11 180 702	35 480 434
Фоиз тарзидаги харажатлар	200	334 677	
Молиявий ижарадан даромадлар	210		
Молиявий ижара бўйича харажатлар	220		
Бошқа даромад ва харажатлар	230		
Солиққа тортиладиган фойда/зарар (сатр. 120+130+170+/-180+190-200+210-220+/-230)	240	1 141 321 525	1 201 194 629
Фойда солиғи	250	153 049 155	191 759 487
Фойдадан босхқа солиқлар ва босхқа мажбурий тўловлар	260		
Соф фойда/зарар (сатр. 240-250-260)	270	988 272 370	1 009 435 142
Бошқа умумлашган даромад/харажатлар		x	x
Жами умумлашган даромадлар (сатр. 270+300)	310	988 272 370	1 009 435 142

2-жадвалда "UZBAT АО" акциядорлик жамиятининг 2023-2024 йилларда тақдим этиладиган алоҳида умумлашган даромадлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган бўлиб, 2023 йилда соф тушум 2 753 975 643 минг сўм бўлган бўлса 2024 йилда бу кўрсаткич 2 928 934 297 минг сўмни ташкил этди. Ушбу даврда сотилган маҳсулот (товар, хизмат)ларнинг таннарихи 2023 йилда 1 040 230 588 ва 2024 йилда 1 094 891 885 минг сўм бўлиб, мақсулотни сотишдан ялпи фойда мос равишда 1 713 745 055 ва 1 834 042 412 минг сўмни ташкил этган. Соф фойда 2023 йилда 988 272 370 минг сўм ва 2024 йилда 1 009 435 142 минг сўм бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 сентябрдаги "Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПҚ 282-сон қарорида "Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар" тушунчаси киритилган бўлиб, фаолият тури ва (ёки) активлари миқдори туфайли юқори ижтимоий ва иқтисодий таъсирга, шунингдек, кенг доирадаги манфаатдор томонларга эга бўлиш каби мезонларга жавоб берадиган тадбиркорлик субъектлари Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар тоифасига киритилади деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 27 декабрдаги қарори билан "Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар тоифасига киритиш мезонлари, уларнинг молиявий ҳисоботлари ва аудитига қўйиладиган талаблар ҳамда Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом" тасдиқланди [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3736].

Юқоридаги Низомда "Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар"га "Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар — фаолият тури, активлари ҳамда йиллик тушуми, дивиденд шаклидаги даромадлари миқдори ёки ходимларининг сони туфайли юқори ижтимоий ва иқтисодий таъсирга, шунингдек, кенг доирадаги манфаатдор томонларга эга бўлиш каби мезонларга жавоб берадиган тижорат ташкилотлари" деб таъриф берилган.

Низомда жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар тоифасига киритиш мезонлари келтирилган бўлиб, улар қуйидагилар:

1. Қимматли қоғозлари фонд биржасининг листингига киритилган ва оммавий савдоларга чиқариладиган (Publicly Traded Entity) ташкилотлар.

2. Тижорат банклари, микромолия банклари, микромолия ташкилотлари, факторинг ташкилотлари, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари ва кафолатлар бериш ташкилотлари, тўлов тизими операторлари, тўлов ташкилотлари.

3. Инвестиция фондлари.

4. Биржалар.

5. Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши эллик фоиз ва ундан ортиқ бўлган ҳамда бир вақтнинг ўзида кетма-кет охириги икки календар йил давомида мазкур Мезонларнинг 6-банди «а» кичик бандига мувофиқ келадиган ҳамда маҳсулот, товарлар ва хизматларни реализация қилишдан олинган йиллик соф тушуми ва дивиденд шаклидаги даромадлари биргаликда базавий ҳисоблаш миқдорининг бир миллион баравари ва ундан ортиқ бўлган давлат иштирокидаги корхоналар.

6. Бир вақтнинг ўзида кетма-кет охириги икки календар йил давомида ҳисобот йили яқунларига кўра:

а) активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг бир миллион баравари ва ундан ортиқ;

б) маҳсулот, товарлар ва хизматларни реализация қилишдан олинган йиллик соф тушуми базавий ҳисоблаш миқдорининг бир миллион баравари ва ундан ортиқ;

д) ходимларининг ўртача йиллик сони беш юз нафардан кам бўлмаган ташкилотлар.

Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар томонидан «МХХСнинг барқарорлик тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш стандартлари» (IFRS Sustainability Disclosure Standards) 2027 йил 1 январдан бошлаб қўлланилади.

Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар ўзининг молиявий ҳисоботини ҳамда «МХХСнинг барқарорлик тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш стандартлари» асосида тузилган ҳисоботини аудиторлик хулосаси билан бирга ўз веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида акциядорларнинг ёки ташкилотнинг бошқа юқори бошқарув органининг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин, аммо ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 июнидан кечиктирмай эълон қилиш қўзда тутилган.

Хулоса ва таклифлар.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини мамлакатимизда тан олиш ва амалиётга жорий этиш борасида хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида, уларнинг ижобий томонларини мамлакатимиз амалиётида фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан “Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар” тоифасига кирадиган ташкилотлар рўйхатини шакллантириш лозим.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини амалиётда қўллайдиган “Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар” тоифасига кирадиган ташкилотлар учун молиявий ҳисобот шакллари ишлаб чиқиш ёки мавжудларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар / Литература / References:

Зибарева Е. (2025) Новые стандарты МСФО по устойчивому развитию. Available at: <https://training.tedo.ru/blog/esg-reporting/>

Исманов И.Н. (2017) Бухгалтерия ҳисоби тизимининг молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига трансформациясининг зарурияти // “Иқтисод ва молия” журнали. — №3.

Курбанов З.Н. (2025) Молиявий ҳисоботнинг барқарорлик стандартлари // *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*. — April. — pp. 312–318. Available at: www.sci-p.uz

Нестеренко Е. (2025) МСФО (IFRS) 2025: ключевые изменения и нюансы перехода. Available at: <https://finacademy.net/materials/article/neobhodimost-perehoda-na-msfo>

Ризаев Х. (2022) Ўзбекистон Республикасида 12-“фойда солиқлари” МХХСини қўллаш жараёнидаги муаммо ва ечимлар // *Экономика и социум*. — 11(102)-2.

Ташназаров С.Н. (2021) Мажбуриятлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш // *Экономика и социум*. — №5(84).

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (2025) “Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар тоифасига киритиш мезонлари, уларнинг молиявий ҳисоботлари ва аудитига қўйиладиган талаблар ҳамда Жамоат аҳамиятига эга ташкилотлар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом”. [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3736].

Ўзбекистон Республикаси Президенти (2025) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 сентябрдаги “Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-282-сон қарори.

Хажимуратов Н.Ш. (2020) Молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини таъминлаш йўналишлари // *Иқтисод ва молия / Экономика и финансы*. — 3(135).